I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-сентябрида Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда – ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 26 017,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-сентябри билан таққослаганда 3,4 % га ўсди. ЯҲМ дефлятор индекси 2019 йил январь-сентябридаги нархларга нисбатан 113,7 % ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМнинг шаклланишида Андижон вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,3 % га етди.

Январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари

		Млрд. сўм		*2019 йил январь-сентябри-га нисбатан, % да*
		2019 йил январь-сентябрь	*2020 йил январь-сентябрь*	
	I. ЯҲМ	**22 521,2**	**26 017,7**	**103,4**
	шу жумладан:			
	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	21 791,2	24 679,6	103,4
	Маҳсулотларга соф солиқлар	730,0	1 338,1	103,5
	II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	21 791,2	24 679,6	103,4
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	9 772,0	10 682,8	103,8
	Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	5 812,1	6 806,8	105,1
	саноат	4 720,2	5 402,8	105,1
	қурилиш	1 091,9	1 404,0	105,3

		Млрд. сўм		2019 йил январь-сентябри-га нисбатан, % да
		2019 йил январь-сентябрь	2020 йил январь-сентябрь	
	Хизматлар	6 207,1	7 190,0	101,0
	савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 447,0	1 611,7	98,6
	ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	1 197,8	1 396,4	106,1
	бошқа хизмат тармоқлари	3 562,3	4 181,9	100,2

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 8 259,9 минг. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 % га юқоридир.

Январь-сентябрьойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 94,9 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 5,1 фоизини ташкил этди.

Ҳисобот даврида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 43,3 % ни, саноат тармоғи 21,9 % ни, қурилиш 5,7 % ни ва хизматлар соҳаси 29,1 % ни ташкил қилди.

Январь-сентябрьойларида иқтисодий фаолият турлари ЯҲМ таркиби *(жамига нисбатан % да)*

		2019 йил	*2020 йил*
	I. ЯҲМ	**100,0**	**100,0**
	шу жумладан:		
	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	96,8	94,9
	Маҳсулотларга соф солиқлар	3,2	5,1
	II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**100,0**	**100,0**
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	44,8	43,3
	Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	26,7	27,6
	саноат	21,7	21,9
	қурилиш	5,0	5,7
	Хизматлар	**28,5**	**29,1**
	савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6,6	6,5
	ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	5,5	5,7
	бошқа хизмат тармоқлари	16,4	16,9

Январь-сентябрьойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби *(жамига нисбатан % да)*



ЯҲМнинг ўсиши худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 103,8 % (ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши – 43,3 %), саноатда – 105,1 % (21,9 %), қурилишда – 105,3 % (5,7 %), хизматлар соҳасида – 101,0 % ни (29,1 %) ташкил этди. Хизматлар соҳаси таркибида ўсиш суръатлари савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 98,6 % (6,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 106,1 % (5,7 %), бошқа хизмат тармоқларида 100,2 % дан (16,9 %) иборат бўлди.

Январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича мутлақ ўсиш суръатлари
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2020 йилнинг январь-сентябрида иқтисодиётнинг “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги” ҳамда “Саноат” каби тармоқлари ЯҲМнинг мос равишда 1,7 ф.п. (2019 йилнинг январь-сентябрида 1,4 ф.п.), ва 1,1 ф.п. (2019 йилнинг январь-сентябрида 2,6 ф.п.) га ўсишига ҳисса қўшди. Маҳсулотларга соф солиқларнинг ошиши ҳисобига ЯҲМнинг 0,1 ф.п. га ўсиши таъминланди (2019 йилнинг январь-сентябрида 0,2 ф.п.).

2020 йил январь-сентябрьойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси *(жамига нисбатан % да)*

2020 йил январь-сентябрда ЯҲМ дефлятори индекси 2019 йил январь-сентябридаги нархларга нисбатан 111,8 % ни ташкил этди. ЯҲМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари қурилишда – 122,1 % ва хизматларда – 114,7 % қайд этилди.

Январь-сентябрьойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)